211295

*Бугун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 8 декабрь, жума. №149. (21.912) Сотувда эркин нархда.

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Маълумки, қутлуғ ва муқаддас байрамимиз — истиқлолнинг тўрт йиллик тўйи муносабати билан республикамиз Президенти мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий қудрати ва шон-шуҳратини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси учун бир гуруҳ меҳнат фидойиларини мукофотлаш тўғрисида Фармонлар чиқарган эди. Мазкур Фармонларга биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалига, «Дўстлик», «Меҳнат Шуҳрати», «Шоншараф» орденларига, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари ҳамда республика фахрий унвонларига сазовор бўлган кишилар орасида ишчи ва деҳқонлар, олим ва ижодкор зиёлилар, муаллим ва шифокорлар, хизматчи ва мутахассислар — қисқача айтганда, юртимиз истиқболи йўлида халол тер тўкаётган турли касб эгалари бор.

*СУРАТЛАРДА: мукофотларни топшириш маросимидан лавҳалар.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Конституция куни арафасида — 7 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу замондошларимизга Ватаннинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Президент олий мукофотлар — республикамиз орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонларини тантанали суратда соҳибларига топширди.

«Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири И. Ғафуров, Бухоро шаҳридаги «Зардўз» акционерлик жамияти юксак бадиий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси М. Темирова, Навоий тоғ-металлургия комбинати «Восток» кони шимолий руда бошқармаси экскаватор машинистлари бригадаси бошлиғи А. Панин, республика Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи И. Фозилов, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театри балетмейстери Г. Измайлова, В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангар-йигувчиси Э. Алимуҳамедов ва бошқалар мукофотланганлар номидан сўз олиб, элюрт фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида бундан кейин ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилажакларини билдирдилар. Камтарин меҳнатлари эвазига кўрсатилган юксак эътибор ва ишонч учун юртбошимизга, республика ҳукуматига миннатдорлик тўла дил сўзларини изҳор этдилар.

Маросимда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Шу кунлари Америка Қўшма Штатларининг савдо вазири ўринбосари Б. Картер бошчилигидаги АҚШ ҳукумат делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Делегация таркибида чет элларда хусусий сармоялар бўйича корпорация (ОПИК) вице-президенти Д. Риордан, Мудофаа вазирлигининг бош маслаҳатчиси Ж. Мур, шунингдек АҚШдаги ўн беш йирик фирма ва компанияларнинг юқори мартабали вакиллари бор.

Ташрифдан асосий мақсад мудофаа саноати корхоналарини конверсиялаш соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашув чоғида Америка делегациясининг раҳбари АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубини топширди.

Қуйида ана шу мактуб матни эълон қилинмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сиз билан вице-президент А. Гор ўртасида ғоят фойдали суҳбат бўлиб ўтгани менга маълум. Сизнинг Қўшма Штатлар билан яқин алоқада мустақил, ишончли ва равнақ топувчи мамлакатни барпо этиш учун фаол ишлашга тайёр эканингиз бизда катта таассурот қолдирди. Вазир У.Перри ҳам шу йил апрель ойида Ўзбекистонга сафаридан кейин менга худди шундай зўр таассурот олганини айтган эди. Унинг фикрича, мудофаани анча фойдали тижорат фаолиятига-конверсиялашга интилаётган Ўзбекистон корхоналари билан биргаликдаги ҳамкорлик аниқ бир йўл — ислоҳотларни амалга ошириш ва алоқаларимизни чуқурлаштириш борасидаги Сизнинг куч-ғайратларингизни қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Мен савдо вазири ўринбосари Бэрри Картер, чет элларда хусусий сармоялар бўйича корпорациянинг (ОПИК) вице-президенти Дэниэл Риордан ҳамда Мудофаа вазирлигининг бош маслаҳатчиси Жефри Мур раҳбарлигидаги мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича делегацияни Америка савдо-саноат доираларининг юқори мартабали 16 вакили билан бирга ана шу мақсадларга эришишда ёрдам бериш учун юборяпман. АҚШ ҳукуматининг учта маҳкамаси қатнашаётгани тўсиқларни бартараф этишда, амалий ҳамкорликни ривожлантиришда ва конверсиянинг муваффақиятли ўтишида бирга ишлаш борасидаги мажбуриятимиз жиддийлигини тасдиқлайди. Сизнинг мададингиз ва иштирокингиз мана шу кучғайратларда ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур делегацияда Америка бизнесининг иштироки тўғрисида бир неча оғиз сўз айтишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистоннинг ишончли шерик сифатидаги обрўси, унинг табиий ресурсларга бойлиги ва юқори малакали ишчи кучини етказиб бера олиши Америкадаги энг яхши компаниялар раҳбарларининг эътиборини мана шу сафарда қатнашишга жалб этди. Сафар мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича лойиҳаларни муҳокама этиш учун сизнинг расмий вакилларингиз ва корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашиш ҳамда Ўзбекистоннинг имкониятларини илк манбадан билиб олиш ажойиб имконини яратади.

Умид қиламанки, бу учрашувлар мамлакатларимизнинг иқтисодий фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади, халқларимиз ўртасидаги савдо алоқаларни чуқурлаштиради ва ўртамиздаги муносабатларни тараққий эттиради.

**Самимият билан,**
**Билл КЛИНТОН,**
**АҚШ Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАТАН МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дўстлар!

Мустақил Ватанимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий равнақига, азиз диёримизда бугунги кунда барқарор бўлиб турган тинчлик ва осойишталикка муносиб ҳисса қўшган инсонлар билан эзгу бир сана — Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида дийдор кўришганимиздан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Мана шу залда йиғилган кексаю ёш, эркагу аёл юртдошларимизни халқимизнинг бугунги ҳаётини яхшилашга, ризқу рўзини, насибасини бутун этишга астойдил бел боғлаган фидойи одамлар деб биламан. Элу юртимизнинг истиқболи учун, обрў-эътибори учун, келажак ёруғ кунларимиз тезроқ келиши учун ўзини аямасдан, кунни кун, тунни тун демасдан, жонни жабборга бериб ишлайдиган инсонлар деб биламан.

Халқимиз танлаган йўлга ишониб, бу йўлга иймон келтириб, кўтаринки руҳ билан, бугун Ўзбекистон катта қурилишлар ва бунёдкорлик майдонига айланиб, эзгу умидлар билан ишлаётган пайтда, умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида етакчи бўлиб турган ишчиларимиз ва деҳқонларимиз, олимларимиз ва ижодкор зиёлиларимиз, муаллим ва шифокорларимиз, хизматчи ва мутахассисларимиз, мамлакатимизнинг келажак равнақи гарови бўлмиш энг устивор соҳалар меҳнатчиларининг намояндалари деб биламан.

Албатта, юртимизда Ватан келажаги йўлида қилаётган меҳнати учун мукофотга арзийдиган одамлар жуда кўп эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Ишонаманки, халқимизнинг янгиданянги муносиб вакиллари ватан қаҳрамони унвонларини олиб, юксак нишонларга мушарраф бўлиб, сизнинг сафингизни тўлдириши аниқ.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўз она юрти учун, халқи учун ҳалол меҳнат қилган, мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга салмоқли ҳиссаларини қўшаётган кишиларни муносиб тақдирлаш — маънавий соҳадаги сиёсатимизнинг узвий қисмидир.

Сизнинг ва сиз каби минглаб, миллионлаб кишиларнинг шижоати, ғайрати, илму салоҳияти, матонати, тўла ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистоннинг кучига-куч, қудратига-қудрат, бойликларига бойлик, обрўсига обрў-эътибор қўшмоқда, ватанимизнинг ёруғ келажагини яқинлаштирмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Юксак мукофотлар ва унвонлар она-Ватанимизнинг сизнинг ҳалол меҳнатингизга берган юксак баҳоси белгисидир. Ватан ҳаёти ва келажагини юксалтириш ишида кўрсатган салмоқли хизматларингиз ҳосилидир.

Истиқлол бизнинг ҳаётимизга мисли кўрилмаган ўзгаришлар, жаҳон тажрибаси учун ҳам янгилик бўлган тажрибалар олиб кирди.

Энг муҳим тажрибаларимиздан бири шу бўлдики, **биз истиқлол ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни баландпарвоз шиорлар билан эмас, чанакам пешона тери билан, кенг миқёсдаги амалий ишлар билан рўёбга чиқаришни ўргандик.**

Оддий бир мисолга мурожааат этайлик. Бир неча кун аввал қардош Қирғизистон Президенти Асқар Акаев юртимизга меҳмон бўлиб келди. У билан Асакадаги янги автомобиль заводини бориб кўрдик. Қирғиз дўстларимиз бўлаётган ишлардан ҳайратга тушди!

Ўтган йил октябрь ойида борганимизда қурилиш энди бошланган эди. Бори-йўғи бир йил ўтар-ўтмасдан, деярли тайёр улкан заводни, энг замонавий технология асосида ишлайдиган конвейерларни, электрон роботларни кўриб, қувонмасдан бўладими?!

Ўзбек йигитларининг энг мураккаб машиналарни бошқаришни ўрганиб олганини кўриб, гапнинг рости, мен жуда ғурурландим.

Халқимиз ҳамма нарсага қодир, биродарлар. Халқимиз уддада этмайдиган касбу корнинг ўзи йўқ. Эл-юртимизнинг тинчлигини, осойишталигини мустаҳкамласак, ўзаро ҳурмат, оқибат ва аҳиллигимизни сақласак, ғайратимизни оширсак, барча эзгу орзуларимиз ижобат бўлишига заррача шубҳа йўқ.

Минтақада ягона енгил автомобиль заводи қурганимиз, бу — амалий иш. Янги тилла заводларимиз — амалий иш. Янги очилган ва очилаётган нефть ва газ конларимиз — амалий иш.

Ўзбекистон номини бошимиз узра баланд кўтариб, дунё майдонига олиб чиққанимиз ҳам амалий ишдир. Дунё мамлакатларининг Ўзбекистон сари, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари сари бўлаётган ва тобора авж олаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий интилиши — амалий иш.

Илгари ҳам эътироф этганимдек, биз борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, тузиш, бунёд қилиш йўлидан бормоқдамиз.

Бизнинг кучимиз — ана шу маслагимизда, ниятимиз холис эканида, келажакка бўлган комил ишончимизда.

Бугун дунё бизга ишонч кўзи билан қараб, ҳалол ва кенг кўламдаги ҳамкорликка чорламоқда. Мана, гапимизнинг исботи учун, Германиянинг «Штутгартер цайтунг» газетаси босиб чиқарган сўзларни келтирмоқчиман:

**«Штутгартда Ўзбекистон кўргазмасининг очилиши герман жамоатчилигига бу мамлакатнинг қадимий маданияти билан бевосита танишиш имкониятини берибгина қолмасдан, балки бугунги гўзал ва ранг-баранг Ўзбекистонни тенг шерик деб ошкора тан олишга, у билан барча поғоналарда муносабатларимизни ташкил этиш ва кенгайтириш сари чорлайди».**

Бу сўзларни журналист ёзган эмас. Газета бу сўзларни Германия Федерал Президенти доктор Роман Херцог нутқидан айнан кўчириб олган. Жаноб Херцог сингари тажрибали ва донишманд сиёсатчининг эътирофи биз учун ҳам, Ўзбекистон билан тенг шерикчилик асосида дўстлашмоқчи бўлган мамлакатлар учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Дунё аҳли бизга хайрихоҳлик ва ишонч билан қараётган экан, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, биз бу ютуққа ўзимизнинг холисона муносабатимиз, меҳнатимиз, тоза ақида ва иймонимиз билан эришдик.

Бугун сиз билан биз тарихий ва оламшумул бир даврда яшаяпмиз. Маълум бир даврнинг ўз ичида яшаб туриб, унга ҳар томонлама баҳо бериш қийин, албатта. Аммо мен бир нарсани қатъий ишонч билан айта оламанки, келажак авлодлар бугунги огир дамларда буюк истиқболнинг тамал тошларини қўйган аждодларини фахр билан эслайди ва дуо қилади.

Мен ҳар доим **«ўзимиз пок бўлиб, яхши ният билан яратганимиздан эл-юртимизнинг камолини, бахт-саодатини сўрасак, савобли ишларда ўзимизни аямасак, албатта ўтинчимиз ижобат бўлади, Оллоҳ таоло ўз марҳаматини дариғ тутмайди!» деб такрор-такрор айтаман.**

Эл-юртимизнинг тарихи, муқаддас урф-одатларимиз менга шундай дейиш учун асос беради.

Азиз дўстлар!

Бугун сизларга топширилаётган олий мукофотларни ҳам адолатпарвар халқимизнинг саховати, ўз фарзандларига сийлови ва миннатдорлиги, деб қарасак асло хато бўлмайди.

Сизларни Ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир карра табриклашга рухсат бергайсиз.

Орамизда жасоратли ва шуҳратли кишилар қанча кўп бўлса, жонажон Ўзбекистонимизнинг шони, шарафи ҳам шунча ортаверади.

Сўзимнинг охирида сизларни, бутун юртимиз аҳлини эртанги муборак сана — Конституция куни билан чин қалбдан табриклайман. Барчангизга бахт-саодат, омонлик тилайман.

Дунёда ягона гўзал юртимиз — муқаддас Ўзбекистонимизга ва унинг заҳматкаш, танти халқига яратганимизнинг ўзи доимо мададкор бўлсин!

## АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ ТАНТАНАСИ

7 декабрда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга пойтахт жамоатчилиги вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келган меҳмонлар, шунингдек, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари тўпланди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон давлат Мадҳияси янграйди.

Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов «Мустақиллик ва тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори» мавзуида маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Асосий қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган уч йил шуни кўрсатмоқдаки, Конституциямизда ёзилган қонун-қоидалар фуқароларимиз ҳаётида ўз аксини топмоқда, деди Ислом Каримов. Шу қисқа вақтнинг ўзи ҳам Конституциямизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тасдиқлади. Конституциямиз юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганини нафақат республикамиз фуқаролари, балки хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларидан тортиб сиёсатчилару оддий фуқароларигача, шунингдек, халқаро ташкилотлар мутахассислари тан олди. Ана шу фактнинг ўзиёқ Конституциямизни юксак баҳолаш учун асос бўла олади.

Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати, холос, деб давом этди Президент. Масаланинг бошқа бир муҳим томони шундаки, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётга татбиқ эта билмоқ, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаро мансаби, касби, миллатидан қатъи назар Асосий қомусимизга бенуқсон амал қилиши лозим. Бу биз шу кунгача эришган ва келгусида албатта эришишимиз мумкин бўлган ютуқларнинг энг муҳим шартидир.

Республика Конституциясининг уч йиллик тўйини нишонлаш кунида шуни фахр билан айтмоқчиманки, биз сўнгги йилларда қандай катта муваффақиятларга эришган бўлсак, бунинг барчаси аввало ана шу бош қомусимиз ва бошқа муҳим ҳужжатларга тўкис амал қилаётганлигимиз туфайлидир, деди мамлакатимиз раҳбари. Энг огир кунлар ортда қолмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кишиларимиз моддий аҳволини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар қўллашни тағин ҳам изчил давом эттираверамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бугун биз билан ушбу залда Ўзбекистоннинг биринчи Қаҳрамонлари, Ватанимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлган заҳматкаш инсонлар ўтирибди. Бундай фидойи кишиларимизнинг сафи ҳам келгусида янада кенгаяверади.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилиш ниҳоясида санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қисқа вақт ичида ҳаётнинг барча соҳасида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатганини катта мамнуният билан қайд этамиз. У мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини қуришнинг бош йўналишларини белгилаб берди ҳамда айни пайтда мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатларни демократлаштиришнинг гарови бўлиб қолди.

Биз — дастурий ҳужжатларимиз кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилса-да, азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнашидек олий мақсад сари интилаётган турли сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари вакиллари энг аввало умуминсоний демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ устиворлиги негизига қурилган Асосий қонунимиз фуқаролар тотувлиги ҳамда тинчлик, барқарорликни, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, ислоҳотларни амалга оширишни таъминлаб, яхши натижалар бераётганини якдиллик билан эътироф этамиз.

Бунинг асосий сабаби, Конституциямиз кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримизнинг энг яхши томонларини қамраб олгани ва миллий манфаатлар ва интилишларни мужассамлаштирганидадир.

Ўзбекистон Конституцияси ҳаётбахшлигининг таъминланиши кўп жиҳатдан биз — кенг жамоатчилик вакилларининг Конституция қоидалари ҳаётга тадбиқ этилишига қанчалик кўмаклашишимизга ҳам боғлиқ.

Барча ҳамюртларимизни байрам билан, яъни Ўзбекистон Конституцияси куни билан чин қалбдан табриклаймиз ҳамда сизларни, азиз дўстлар, халқимизнинг, кўп миллатли Ватанимизнинг порлоқ истиқболи учун бунёдкорлик меҳнатида фаол иштирок этишга даъват қиламиз!

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси,**
**«Адолат» социал-демократик партияси,**
**«Ватан тараққиёти» партияси,**
**«Миллий тикланиш» партияси,**
**Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати,**
**Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази.**

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши, унинг жаҳон миқёсида ўсиб бораётган нуфузи ҳамда давлатда ўтказилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар каби омиллар ҳуқуқ, қонун, ижтимоий мезон, жамият, ҳаёт муаммоларига янгича ёндошишни ва теран ёритишни тақозо этмоқда.

Конституциянинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади» — дейилган.

106-моддага асосан эса Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил иш юритади. Бу норма суд органларини ҳеч бир маҳаллий давлат органига бўйсунмаслигини таъминлайди.

Конституциядан кейинги қонун бу 1993 йил 2 сентябрь кунида қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун бўлиб, унда судларнинг мустақиллиги ва улар чиқарган ҳужжатларнинг мажбурийлиги ўз ифодасини топади.

Бахтимиз қомуси вилоят, шаҳар ва туман судларини тузишда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини иштирокига барҳам берди. Бу судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши, уларнинг маҳаллий давлат органларидан бутунлай мустақиллигини таъминлади. Унинг 112-моддасида «Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўймаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланиши» баён этилган. Бунга кўра, судьядан кўрилган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, кимга бўлмасин, ишни танишиб чиқиш учун тақдим этишни талаб этиши таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

Судья дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Конституциянинг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан суд-га шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланишлиги» баён этилган. Ушбу моддага кўра фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган. Бунда инсон эрки, шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган.

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор деб ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши ҳам фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигидан далолат беради.

Судьяларнинг мустақил тарзда ишларни кўриш, судланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун шароитни таъминлаш ҳолатларини тартибга солиб турувчи қонунлар қабул қилиш зарурлигини давр тақозо этди. Шу жиҳатдан олганда республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг қабул қилиниши ва 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилиши ҳуқуқий ҳаётимизда ўчмас из қолдирди.

«Жиноят ва жиноят процессуал кодекслари»ни амалга киритиш тартиби тўғрисидаги республика Олий Кенгашининг қарорида 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан озод қилиниши, «1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноят деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг иш юритишдаги ишлари тўхтатилиши» белгилаб берилган.

Ушбу қарор асосида республика судлари томонидан кўплаб жиноий ишлар кўриб чиқилиб, ҳаракатдан ётқизилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига биноан прокурорнинг ҳоким ёки унинг таркибий бўлинмалари ҳужжатлари устида келтирилган эътирозлари томонидан рад этилган тақдирда, прокурор тегишли судга шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар прокурор шундай ҳаракатни содир этса, ариза судда кўрилгунга қадар шикоятга сабаб бўлган ҳужжатни амал қилиши тўхтатилиб турилади. Кўриниб турибдики, барча ижро ҳокимияти идораларининг ғайриқонуний ҳужжатларини суд бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат ҳуқуқий давлатга хос хусусият бўлиб, судлар мустақиллигининг далили сифатида қаралади.

Биз бугунги кунда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин, ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Бундай давлатда эса қонун устивор бўлиши шарт. Бунинг учун қонун ҳар бир кишининг онгига етиб бормоғи ва сингиб кетмоғи лозим.

## Бугун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

**Ислом КАРИМОВ:**
**Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.**



*Ҳур инсоннинг ҳур тафаккури.*

Бизнинг Конституция — давлатнинг паспорти десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Чунки бу давлатнинг асосий ҳужжатида республиканинг Ўзбекистон деб номланиши ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга эканлиги, демократик тартибда бошқарилиши, ўз давлат чегараси ва ҳудудининг мавжудлиги ҳамда давлат тили ўзбек тили эканлиги кўрсатилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, давлатнинг асосий ҳужжатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилига асосан давлат ҳокимиятининг тизими, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ўз аксини топган. Давлат гувоҳномасини ҳеч қандай халқаро ташкилотлар бермайди. Балки ўша давлатнинг ўзи яратади. Фақат бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан бу ҳужжат тан олиниши мумкин.

Уч йил бурун қабул қилинган Конституциямиз кенг халқаро жамоатчилик томонидан сўзсиз тан олинганлиги ҳаммамизга маълум. Бунга сабаб, биринчидан, ўзбек халқи ва давлатининг ўз Конституциясини ижод этиш маҳоратига эга эканлиги бўлса, иккинчидан, халқаро ташкилотлар принципига, халқаро ҳуқуқий декларацияларига асосан ишлаб чиқилганлиги сезилиб турибди.

Илгариги (1978 йилги) республика Конституцияси иттифоқ Конституцияси асосида яратилган деб айтмай, балки айрим ҳолатларини ҳисобга олмасдан, айнан ўша Конституциянинг ўзи деб айтсак ҳам ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Амалдаги қомусимиз эса, реал ҳаётнинг мазмунидан олинган бўлиб, ундаги ҳар бир қоида давлатнинг мавжудлигини, унинг ҳудудий дахлсизлигини, фуқаро-

# ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ КЎРКИ

ларнинг ҳаёти, соғлиғи, келажаги ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш қаттиқ кафолатланганлиги яққол кўриниб турибди. Асосий Қонунимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикалари ичида биринчилар қатори яратилганлиги, давлат сиёсатини тўғри олиб бораётганидан далолат беради. Чунки давлат ҳокимиятини бошқаришда, фуқароларни ҳар томонлама ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Конституция асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай асосга ўз вақтида эга бўлмаган айрим собиқ иттифоқчи республикаларнинг тақдири қандай кечганлигидан хабардормиз.

Ўзбекистон бир қанча халқаро ташкилотларга сўзсиз аъзо этиб қабул қилинди. Чунки унинг асосий қонунида бу халқаро ташкилотларнинг тамойиллари ўз ифодасини топган. Мисол учун, Европа Хавфсизлик ва Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси сифатида Ўзбекистон давлати бу ташкилотнинг барча талаб ва қоидаларига риоя қилиб, бу ишда халқаро миқёсда фаол иштирок этиб келмоқда. Конституциямизнинг дунёда нуфузга эга бўлганлигининг яна бир сабаби, унда «Инсон ҳуқуқлари» умумжаҳон декларацияси мазмунининг ифодаланиши бўлиб ҳисобланади.

Албатта, Асосий Қонунимизда миллий ғурур, урф-одатлар ва қадриятлар ҳамда маънавиятлар асосида ифодаланган қоидалари бошқа давлат Конституцияси қоидаларига ўхшамаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси бутун мамлакат халқининг шарафидир. Шунинг учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларининг кафолатлари ифодаланган, давлат ва халқнинг кўрки бўлган бахтимиз қомусидан фахрланиши, унинг қоидаларига риоя қилиши, ҳар қандай унга нисбатан қилинган тажовуздан асраши ва унга содиқ қолиш ғурури билан яшаши керак.

**Мубин НАСУЛЛАЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.**

# ЎЗ УЛУШИМИЗ БОРМИ?

**Президентимиз: «Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш—халқимиз маънавий руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир» деган эдилар. Шундай экан, Конституциямизнинг барқарор бўлиши, биз ўзбек халқининг иродамиз мустаҳкамлигини, маданиятимиз юксаклигини, бутун жаҳон тан олган ота-боболаримизнинг муносиб авлодлари эканлигимиздан далолат бериб турса қандай яхши. Неча асрлардан буён мусулмон аҳлининг ички руҳиятини, ташқи ҳулқ-атворини муайян тартибга солиб келган Қуръони шариф барқарорлигида ҳар бир мусулмоннинг ҳиссаси бўлганидек, Конституциямиз амалиётида ҳам ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг хайриҳоҳлиги зарур.**

**Ойша ИСЛОМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

Республика Президенти И. А. Каримов шу йил халқ депутатлари Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари кенгаши сессияларида адлия ходимларига нисбатан катта маъсулият юклади.

Шунингдек, юртбошимиз нутқларида республикамизнинг ҳар бир фуқароси маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши билан бирга ватан озодлиги, тараққиёти йўлида маълум бурчларини ҳам бажариш лозимлиги ифода этилган.

Бугунги кунда — Конституциямизнинг 3 йиллиги республикамизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан равнақ топиши ва юксалишига ҳамоҳанг эзгу ниятлар билан биргаликда нишонланар экан, ҳуқуқимиз кафолатланганлигини мағрур эътироф этишимиз билан бирга ватан олдидаги муқаддас бурчимизни унутмаслигимиз керак.

**Маъмур ЖАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари.**

Давлат суверенитети тўғрисидаги масала давлат ва ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ назарияси, тарихнинг энг долзарб, айни вақтда энг мураккаб муаммоларидан биридир. Бу масала сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда бир неча бор муҳокама қилиниб, қизғин баҳсларга сабаб бўлган.

Сиёсий ва ҳуқуқий адабиётда давлат суверенитети тамойили миллий давлатнинг қатъий ва ажралмас хусусияти деб ҳисобланади.

Давлат тушунчасининг ўзи суверенитетни билдиради. Бинобарин, суверенитет — бу тарихий категория, устқурма белгиси ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келади. Суверенитет тамойили, шундай қилиб, ҳар қандай том маънодаги давлатга хосдир.

Давлат суверенитети Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг биринчи бобидаёқ баён этилади.

Мустақиллик, давлат суверенитети ҳақида биринчи бўлиб 1990 йил 20 июлда «Мустақиллик декларацияси» қабул қилинди.

Сунгроқ Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги 1991 йил 31 август куни алоҳида Қонун билан эълон қилинди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди.

Узбекистон — демократик давлат. Яъни, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат.

Бизда давлатни бошқариш шакли республика — халқ ҳокимияти демакдир. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари вакоатларини аниқ белгилаб бериши, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайланиб қўйилишини англатади.

Давлат суверенитети деганда биз давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилишини тушунамиз. Давлат органлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар деб Конституциямиз биринчи бобининг иккинчи моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳуқуқий тузилишини аниқлайди; ўзининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини белгилайди; ўз ички ва ташқи сиёсатини юргизади, бунга ҳеч қандай бошқа давлатнинг аралашуви мумкин эмас.

Ҳозир, айниқса янги Олий Мажлис ва вакиллик органлари иш бошлаганда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлат бошқарувининг янги замонавий тизими шакланмоқда.

Давлат суверенитетининг асосий белгилари Конституциянинг тўртинчи моддасида ўз ифодасини топган. Унда Давлат тили ўзбек тили эканлиги, республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишининг таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбек тили илк бор қонун билан давлат ҳимоясига олинган. Энди қонунларимиз, давлат ҳужжатлари, илмий ва оммабоп асарлар, дарсликлар ва қўлланмалар давлат тилида — ўзбек тилида ёзилмоқда. Юздан ортиқ миллат ва элатнинг маданияти, урф-одати, анъаналари ва тилларига ҳурмат, уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратиб берилган. Республикамизда 70 дан ортиқ турли халқларнинг миллий-маданий марказлари ишлаб турибди.

**Мириной ФАЙЗИЕВ,**
**профессор.**

# ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИМИЗ

# ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Узбекистон ХДП Муборак туман кенгашининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ва хўжалик фаоллари, ХДПдан сайланган депутатлар ҳам иштирок этдилар.

Пленумда партия ташкилотларининг Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Қашқадарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан туман юқумли касалликлар шифохонасининг бош ҳакими Ҳ. Фармонов, Муборак наслчилик жамоаси бошқаруви раиси Ҳ. Оқмаматов, туман ҳокими Ж. Қурбонов ва бошқалар бутун диққат-эътиборни вилоятда, жумладан, Муборак туманида бозор муносабатларини шакллантириш, бу соҳадаги сусткашликларнинг сабаблари, қишлоқларда саноат корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, фермер хўжаликларига агрохизмат кўрсатишни яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигига қаратдилар. Аҳоли ўртасида жиноятчилик, адолатсизликнинг олдини олиш, ҳуқуқ — тартибот ишларини такомиллаштириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Пленумда, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўрилди. Б. Нурмаматов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Узбекистон ХДП Муборак туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Узбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган А. Саъдинов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

# МУАММОЛАР ИДОРАДА ЭМАС, ЖОЙИДА ЕЧИЛАДИ

***Жиззах вилоятида ислоҳотлар йўлидаги тўсиқларни биргалашиб енгиш йўллари изланяпти***

**Фориш-Жиззах вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган туманлардан биридир. Унинг жуғрофий жойлашуви, иқлим шароити бошқа туманлардан ажралиб туради. Бу ерда нафақат хом ашё негизини яратиш, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳам жуда катта имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда Фориш қўрғошини, темири деган иборалар бу заминнинг ёркин келажагидан дарак бермоқда. Айнан шу туманда етиштирилган майиз, ёнғоқ каби ноз-неъматлар Фориши жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.**

Лекин бугун Форишда кўплаб муаммолар тўпланиб қолган, уларни ҳал этишга туманнинг қуввати етмайди. Вилоят ташкилотлари яқиндан ёрдам бермаса муаммолар ўз ечимини топиши қийинлашади. Хўш нима қилмоқ керак? Жиззах вилояти раҳбарияти мавжуд муаммоларни бевосита туманнинг ўзига бориб ўрганишга ва унинг ечимини топишга қарор қилди. Шу тариқа Форишда вилоят ташкилотлари раҳбарларининг тумандаги барча соҳа мутасаддилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда узундан-узоқ маърузалар, зериктирадиган нутқлар бўлган эмас, балки ислоҳотларни жорий этишдаги танг жойларга эътибор қаратилди, муаммолар ечими ҳақида амалий суҳбат бўлди.

— Албатта, туманимизнинг ўзига хос муаммоларини ҳисобга олдик, айни пайтда юртбошимиз Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида тилга олган масалалар бизнинг эътиборимизда бўлди, — дейди туман ҳокими Бўстонқул Сайидқулов.

Туманда 14 та ишлаб чиқариш хўжаликлари, 11 та қурилиш ташкилоти, 3 та кичик саноат ташкилоти ва бу йил ишга туширилган оҳак заводи мавжуд. Бу оҳак заводи маҳсулот ишлаб чиқариб сота бошлаганига бир неча кун бўлди, лекин ишлаб чиққан маҳсулоти сотилиб, даромади Жиззах шаҳрига тушмоқда.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш 23,2 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 26,5 фоизни ташкил қилади. Бу Президентимизнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони қоникарсиз бажарилаётганлигини кўрсатади.

1995 йилда қурилиши режалаштирилган Янгиқишлоқ шаҳарчасини 1 километрга газлаштириш маблағ вақтида ажратилмаганлиги сабабли чўзиб юборилмоқда. Михин, Эгизбулоқ қишлоқларида 4 километр газ тармоғи қуриш ишлари ҳанузгача бошланган эмас. Аҳолини марказлашган сув тармоғи орқали ичимлик суви билан таъминлаш масаласи тегишли вилоят ташкилотларига кўплаб мурожаат этилишига қарамасдан ижобий ҳал этилмаяпти.

Аҳоли кўмир, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминланмаслиги натижасида кўплаб боғлар, тутзорлар, мевасиз дарахтлар ва яйловдаги шувоқ, саксовул қирқилиб ўтин ёқилғиси сифатида ишлатилиб кетилмоқда.

Уй-жой, алоқа, йўл, медицина, маориф ва сув омборлари каби объектлар қурилиши амалда тўхтаб қолган.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгаши сессиясида «Ҳар бир хонадон телефон хизматидан баҳраманд бўлмоғи керак» — дедилар. Форишда эса Ғаллаорол туманида фойдаланишдан чиқариб ташланган телефон станцияси саксонинчи йилларда ўрнатилган бўлиб, бугунги кунда амалда яроқсиз ҳолга келган. Ишдан чиққанлиги сабабли нафақат хонадонлар, ҳаттоки хўжаликлар билан алоқа 5-6 кунлаб бўлмайди. Хўжаликларга борадиган барча алоқа тармоқлари капитал таъмирлашни талаб этади.

«Боғдон» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги Нурак, Ана-муна, Баланд осмон, Сайёд қишлоқлари, Илончи қишлоғининг бир қисмида, «Фориш» ширкатлар уюшмасининг Учма, Ухум, Бирлашган қишлоқлари, М. Оролов номли ширкатлар уюшмасининг Гараша, Чоғишмон, Нарвон, Илонли қишлоқларида 1990 йилларгача ишлаб турган телефон тармоғи бутунлай ишдан чиққан. «Омонкелди», «Арнасой» ва А. Еримбетов номли ширкатлар уюшмаси билан эса фақат рация орқали алоқа қилинади. Улар ҳам эскириб яроқсиз ҳолга келган. Ишлаб чиқариш ҳаракатлари билан хўжалик раҳбарларини йиғиш керак бўлса 3-4 кун талаб этилади.

Охирги йилларда ижтимоий масалаларга маблағ ажратилмаган, натижада қишлоқ участка касалхоналари ва врачлик амбулаториялари жойлашган биноларнинг 80 фоизи капитал таъмирлашни талаб қилади. Жиҳозлар етишмайди. «Тез ёрдам» машиналари эскирган, уларга эҳтиёт қисмлар йўқ. Қишлоқ касалхоналаридаги «тез ёрдам» машиналарига ёнилғи йўқ. Телефон йўқлиги оқибатида кўплаб оғир касалларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаяпти. Бу соҳага ажратилган ёнилғи фонди фақат марказий касалхона эҳтиёжини таъминлайди, холос.

Иқтисодиётнинг ўта пастлиги сабабли охирги 5-6 йилда қишлоқ хўжалик техникалари олинмаган. Натижада мавжуд 101 та ҳайдов тракторининг 25 фоизи, 68 та ғалла экиш сеялкасидан атиги 20 фоизи ишлаши эвазига кузги ғалла экиш кечикиб кетди ва ҳозиргача экиш давом этмоқда.

Туман қишлоқ хўжалиги асосан қорақўлчиликка ихтисослашган бўлиб, 1980 йилларда фақат давлат хўжаликларида 450-500 минг бош қўй бўлган. Бугунги кунда жамоат секторида атиги 282 минг атрофида қўй қолган, бунга асосан озуқа базасининг кескин қисқариши, яйловлар Айдар — Арнасой қўллари тагида қолиб кетиши ҳисобига камайиши сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Туман ҳудудидаги барча тоифадаги хўжаликларда 680 минг бош шартли қўйэчки мавжуд. Улар учун 355 минг гектар яйлов бўлиб, ўртача ҳар бош қўйга 0,52 гектар яйлов тўғри келмоқда. Бу эса зоотехника нормасига нисбатан 5 баробар камдир. Яйловлар ҳосилдорлиги ўта паст бўлиб 1,5 — 2 центнер озуқа бирлигини ташкил қилади. Бир бош қўй учун 1 йил давомида 440 килограмм озуқа бирлиги талаб қилинади. Бугунги кунда хўжаликларга йил давомида 299 минг тонна озуқа бирлиги керак бўлади.

Барча имкониятларни ҳисобга олган тақдирда ҳам яна 125 минг тонна озуқа бирлиги етишмайди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агарда ўртача ҳар гектар суғориладиган ердан 50 центнердан озуқа бирлиги етиштирилган тақдирда яна 25 минг гектар суғориладиган ер талаб қилинади.

Яйлов, озуқа етиштириш майдонлари етишмаслиги ҳисобига 1995-96 йиллари қишлови учун талаб қилинадиган озуқанинг атиги 65 фоизи тайёрланган, бунинг ҳам 10 фоизи пахтакор хўжаликлардан сотиб олинган.

Шундай бир шароитда суғориладиган ерлардан ва яйловлардан бошқа туманлар фойдаланмоқда. Жумладан, Ф. Хўжаев, Беруний номли хўжаликларнинг 5600 гектар сувли майдони «Чимқўрғон» ширкатлар уюшмаси ери бўлиб асоссиз равишда Зафаробод тумани фойдаланмоқда. Ҳозирги шароитда бу ўзлаштирилган ерлар Чимқўрғон ҳудудини иккига бўлиб турибди. Ахир бу адолатсизлик эмасми? Ф. Хўжаев ва Беруний номли ширкатлар уюшмасидаги ерлар қайтариб берилса, бу ерлардан дон, озуқа ва қолаверса туман иқтисодини кўтариш учун пахта етиштиришда фойдаланилади.

1977 йилда «Боғдон» ширкатлар уюшмаси ҳудудида Жиззах туманига вақтинча фойдаланишга берилган 5600 гектар яйловнинг 1600 гектари ўзлаштирилган. Қолган 4000 гектар яйлов ҳам «Боғдон» ширкатлар уюшмасига қайтариб берилса адолатдан бўларди.

Туман ҳудудида пайдо бўлган Арнасой — Айдар сув ҳавзаларининг сув сатҳи 315 минг гектарни ташкил этади. Бу майдонлар «Қизилқум», «Чимқўрғон», «Фориш», «Омонкелди» ва А. Еримбетов номли ширкатлар уюшмасининг яйловларидан иборат. Айни пайтда Арнасой — Айдар сув ҳавзалари атрофида Тошкент шаҳрига, республика ва вилоятга қарашли ўнлаб турли ташкилотлар, бундан ташқари, ҳар хил кичик корхоналарнинг дам олиш масканлари бўлиб, улар 1000 гектардан зиёд ер майдонларни эгаллаб туришибди.

Бу ерларда «дам олувчилар», тартиббузар овчилар томонидан Айдар ва Тузкон кўлларидан балиқ ва қундуз мўйналарини ҳисобсиз миқдорда талон-торож қилишмоқда.

«Чимқўрғон» ширкатлар уюшмаси ҳудудида қурилган ва Арнасой тумани ихтиёрига берилган «Наврўз» балиқчилар посёлкаси қаровсиз ҳолга келган. Ишлаб чиқариш цехлари, бинолари молхоналарга айлантирилган. Сув ҳавзаси атрофида рўй бераётган салбий воқеаларнинг асосий сабаби ягона раҳбарликнинг йўқлигидандир.

Айни пайтда Осмонсой қишлоғ яқинидан топилган базальт конидан фойдаланишни йўлга қўйишда ёрдам кўрсатилса туман иқтисодиётини кўтаришга имкон яратилади, аҳолини иш билан таъминлаш яхшиланади.

Бугунги кунда Форишда 34,7 минг нафар меҳнатга яроқли аҳоли бўлиб, шулардан 6,5 минг нафари меҳнат биржаси ҳисобида туради. Уларга 1995 йилнинг ўтган ўн ойи давомида бюджет ҳисобидан 471 минг сўм ва кам таъминланганларга 5 миллион сўм ёрдам берилди.

Албатта, муаммоларни санайверган билан ўз-ўзидан ечилиб қолмайди. Шу боисдан вилоят ҳокими Алишер Тошкенбоев масалаларни бутун мураккаблиги билан мутахассислар олдига қўйди. Уларни ечиш йўллари бамаслаҳат, ҳамжиҳатлик билан изланди. Ўрни келганда биргина муаммонинг ечими учун беш-олти тармоқнинг раҳбаридан фикр сўралди, уларнинг амалий таклифлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Бу учрашувни кузатар эканман халқимизнинг бир нақли ёдимга тушди: «Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан етиб боради». Ҳа, илгари бўлганидек, тумандаги раҳбар ва мутахассислар якка ҳолда вилоят идоралари коридорлари бўйлаб сарсон юришмади, ҳар бир ишнинг ўз эгаси бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда мақбул ечимлар қабул қилди. Янгича талаблар асосида ишлаш, ҳаётга янгича нигоҳ билан қараш аломатлари бу!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.**

*Иқтисодиёт ва ислоҳот*

# АРЗОНЧИЛИК БОЗОРДАН БОШЛАНАДИ

Денов деганда кўз олдимизда Шарқнинг қадимий ва маданиятли шаҳарларидан бири гавдаланади. У йилдан-йилга чирой очиб, янги-янги кичик корхоналар, цех ва тижорат дўконлари билан бойимоқда. Мустақиллик шарофати ила жаҳонга юз тутяпти. Кўплаб Денов тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамдўстлик ва хорижлик шерикларга сотилмоқда. Ҳамкорлик борасида ҳам талайгина ишлар қилинди.

Бу ернинг бозори ҳақида гапирадиган бўлсак, республикамизнинг бошқа жойларига нисбатан Денов бозорида сотилаётган моллар анча арзон. Шу сабаб бўлса керак, ушбу бозор Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистондан келган харидорлар билан гавжум бўлади. Гўшт дўконларида ҳам нарх-наво юқори эмас.

Деҳқон бозоридаги расталар Самарқандниг кишмишию, Тожикистоннинг товланиб турган олма-анори, Вахшиворнинг тилларанг майизию, Сурхоннинг ҳиди димоғингизни қитиқлаб, иштаҳангизни очадиган тандир гўштига тўлдирилган. Кўриб кўзингиз қувнайди. Она табиатимизнинг турли-туман инъомлари кўнглингизга гурур бахш этгандек бўлади.

Бу ерда шаҳар вино-ароқ заводи раҳбари Зиёда опа Бўроновани учратиб қолдик.— Бозор — халқимизнинг кўрки дейди у.— Хизмат юзасидан кўплаб вилоят ва шаҳарларда бўламиз. Лекин мева-чевалар-нинг арзонлиги ва кўплиги жиҳатидан Деновнинг олдига тушадиган бозорлар кам бўлса керак.

Дарҳақиқат, мева-чева арзон. Анор, олма, хурмо, узум 8-10 сўмдан бўлса, писта, ўрик, кишмиш каби мевалар 40-50 сўмдан ошмаяпти.

— Ўтган икки йил ичида элликдан ортиқ дўконлар қурилди,— дейди бозор раҳбари Тоҳир Ғиёсов.— Бу биринчидан, халқимизнинг турмуш шароитларини яхшиласа, иккинчидан, ишсизларни иш билан таъминлашда қўл келмоқда. Иккита янги дарвоза қурилди. Ўттиз ўринга мўлжалланган гўшт дўкони халқимизга хизмат кўрсата бошлади. Ҳозирча ишларимиз бароридан келяпти. Лекин бу муваффақиятларимиз билан мақтанмоқчи эмасмиз. Камчилик ва муаммоларимиз ҳам етарли. Бозорни янада кенгайтириш, қиш мавсумида сотувчилар, харидорларга қулайликлар яратиш чораларини кўряпмиз. Янги-янги дўконлар қуриш режамиз бор.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## ДУШАНБА, 11

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Барчани кулдириб». Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган кеча.
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нафосатга бахшида умр».
9.50 «Ёшлар ва замон». «Яна севги ва муҳаббат ҳақида баҳс».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
11.00 «Малика ва Шаҳзода». Болалар учун кўғирчоқ театр.
11.35 Янги алифбони ўрганамиз.
12.05 — 12.35 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий композиция.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Тупроғида ҳикмат гуллайди».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 II. «Саждагоҳ каби муқаддас...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 III. «Юлдузли тунлар хаёли...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Ҳиндистон).

**ЎзТВ II**

**«Тошкент» студияси таништиради:**

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил». Газеталар шарҳи.
19.10 «Саломатлик — туман бойлик».
19.40 «Излаган имкон топади».
20.10 «Спорт-тайм».
20.40 — 22.50 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 1—2- сериялар.

**ЎзТВ III**

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
17.55 Эълонлар
18.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади; «Бутун умр давомида».

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 Симфоник куйлар кечаси.

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

**«ОМАД» таништиради:**

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Курьер».
21.10 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.20 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео — «О».

## СЕШАНБА, 12

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Ҳиндистон).
9.10 «Тушимда кўрсам эди». Нодира ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 — 13.30 «Хотира». Уста Олим Комилов.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат ғунчалари».
18.35 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Куйла, дилкаш дуторим».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси олдидан. «Парламентлараро алоқалар».
21.20 ЎзТВ хазинасидан. Чулпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
23.05 Юлдуз Усмонованинг янги қўшиқлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 —00.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-серия (Ҳиндистон).

**ЎзТВ II**

**«ОМАД» таништиради:**

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Кинонигоҳ».
23.20 — 24.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

**ЎзТВ III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чўл саховати». Телефильм.

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.30—9.00**

* * *

**18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.50 —23.50 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

## ЧОРШАНБА, 13

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-серия (Ҳиндистон).
9.10 Инглиз тили.
9.40 «Болалар — гуллолалар».
10.00 «Жараён». Қишлоқ ҳаётидан лавҳалар.
10.30 «Ассалом, япон тили!».
11.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Яхшидан боғ қолади».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
12.30 — 13.00 Ёр ва диёр таронолари.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Барака ёмғири». Мультфильм.
18.20 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
18.35 Спорт хабарномаси.

18.45 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

*

19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ташаббус-95».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Мусиқий дақиқалар.
21.10 «Олтин мерос». Наби Ғаниев.
22.15 Санъат усталари. Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-серия (Ҳиндистон).

**ЎзТВ II**

**«Тошкент» студияси таништиради:**

18.30 «Қайта туғилиш».
19.15 «Ёдингдами, дўстим...»
19.30 «Оқ соя».
20.00 «Рок-сеанс».
20.40 «Тошкент оқшомида».
21.40 «Ўзим ҳақимда...».
22.10 — 23.40 «Кинематограф».

**ЎзТВ III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кичик дебют».

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.30—9.00**

* * *

**18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Табиат дунёси».

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Конвой» (Чеченистондаги Қизил Хоч Халқаро қўмитасининг иш фаолияти ҳақида).

**«ОМАД» таништиради:**

20.20 Эълонлар.
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.15 — 23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

## ПАЙШАНБА, 14

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Баҳодир шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-серия (Ҳиндистон).
9.20 Санъат усталари. Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Кичкинтой»га хат келди.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00—14.00 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хўтикнинг хомушлик касаллигига чалингани». Мультфильм.
18.20 «Тилга эътибор...»
18.55 «Муҳаббатни куйлайди диллар». Янги куй ва қўшиқлар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Республика Марказий божхона Давлат экспертиза лабораторияси бошлиғи Иброҳимжон Асқаров билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси олдидан. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси.
21.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
22.15 «Оқшом маликаси». Ойбекнинг «Уч» асари мотивлари асосида ишланган видеофильм. Премьера.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.30 «Ижодкор хонадонида». Туроб Тўлани эслаб...

**ЎзТВ II**

**«ОМАД» таништиради:**

18.30 «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.15 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).

**ЎзТВ III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Илҳом».

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.30—9.00**

* * *

**18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Иккинчи истеъдод». Надежда Чурадаева ҳақида телеочерк.

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Фермер». Тележурнал. Республика фермерларининг анжумани ҳақида.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Интердиалог».
21.55 — 22.35 «Кашфиётлар ва ихтиролар».

## ЖУМА, 15

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Йиллар армони». Абдулла Орипов ижодига бир назар.
9.00 Немис тили.
9.30 «Оқшом маликаси». Ойбекнинг «Уч» асари мотивлари асосида ишланган видеофильм.
10.40 «Қишлоқ стадионларида». Спорт кўрсатуви.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00—13.15 «Телевизорни учиришни унутманг». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу дамлар ўхшар эртакка...»
18.40 «Нон таъми».
19.05 «Сурнай навоси». Суннатилла Қорабоев.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Билиб қўйган яхши». Ёш аёллар учун фойдали маслаҳатлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Санъат усталари. Халқ артисти Саодат Қобулова таваллудининг 70 йиллигига.
21.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Ўзбекистонда қиш». Кинодастур.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.35 «Уч юрак зарби». Акаука Исломовлар.

**ЎзТВ II**

**«Тошкент» студияси таништиради:**

18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.30 «Бизнес-академия».
20.00 «Кимга қанақа?». Телетомошабинлардан келган хатлар асосида.
21.00 — 22.25 «Мукофотлансин (ўлимидан сўнг...)». Бадиий фильм.

**ЎзТВ III**

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Экран қушиқлари». Киноконцерт.

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.30—9.00**

* * *

**18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 «Жонли сайёра».

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

**«ОМАД» таништиради:**

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Компьютер — Осиё».
21.20 Видео янгиликлари.
22.10 «Теле-ателье-шоу».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.35 Эълонлар.
22.40 — 00.10 Видео — «О».

## ШАНБА, 16

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
9.50 «Маданий ҳамкорлик». Ўзбекистон — Япония алоқалари ҳақида.
10.25 Миллионлар минбари. «Ўзликни англамоқ бахти».
11.00 «Фарзанд — умид юлдузи».
11.30 «Хотира». Солиҳ Қосимов.
12.05—13.00 Санъат усталари ижросида концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.05 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 «Имкон чўққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Шарқ дурдоналари.
21.15 «Репортаж». О. Мўминовнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Учрашув». Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев.
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**

**«ОМАД» таништиради:**

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Видеогид».
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.30 — 18.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

*

**«Тошкент» студияси таништиради:**

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Эсдалик учун дастхат».
19.35 «Менинг кўчам».
19.50 «Коллекция».
20.15 «Кичик дебют».
20.45 «Янги иқтисод».
21.20— 22.50 «Кинематограф».

**ЎзТВ III**

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Отларни ким эгарлайди?», «Балиқчи қушлар». Телефильмлар.

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.20—21.40**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.40—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Осиё овози» меҳмонларни кутмоқда.

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 «Талабалар саҳнасида».
11.10 «Муҳаббат юлдузи».Фильм-эртак. 1-серия.
12.15 — 12.35 «Ишбилармон». Хоразмлик наққошлар ҳақида телеочерк.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.15 «Ер сайёраси».
21.00 «Олам ва одам».
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Чинсэн».
22.30 «5+1». Интервью.
22.50 — 23.10 «Бу ажиб дунё».

## ЯКШАНБА, 17

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шоҳруҳ» клуби.
11.30 Бир актёр театри. Анвар Обиджон. «Ташрифингиз қутлуғ бўлсин».
12.00 «Адашлар». Кинокўрсатув.
12.30—14.30 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Нонни босган қизча ҳақида». Мультфильм.
18.10 «Компьютер - шоу». Телевизион танлов.
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Эстрада қушиқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тимсол» видеоканали.
22.20 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.40 Тунги дам олиш концерти.

**ЎзТВ II**

**«ОМАД» таништиради:**

10.00 «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

* * *

17.00 «Палитра».
17.30 Эълонлар.
17.35 Видео — «О».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
19.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
19.50 «Постфактум».
20.00 «Автосалон».
20.20 Видео янгиликлари.
20.40 «Теле-ателье-шоу».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Даракчи».
21.05 Эълонлар.
21.10 — 22.50 Видео — «О».

**ЎзТВ III**

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Ўзбекистон шаҳарлари». Кинодастур.

*

**РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.20—22.50**

*

**РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 22.50—23.20**

*

23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 «Панорама».

**ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эсдалик учун дастхат». Г. Турчанинов.
11.10 «Пост». Телефильм.
11.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 — 13.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».

***

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 Ҳужжатли фильм.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлидан».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.35 «Мюзик-холл».
23.05 — 23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.



БИЗ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИ ҲАМДА
БУТУН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛ
ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИЗҒИН ВА САМИМИЙ
МУБОРАКБОД ЭТИШДАН МАМНУНМИЗ.
БАРЧА
ОИЛАЛАРГА ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК, САОДАТ ВА
ЗАФАРЛАР ҲАМРОҲ БЎЛИШИГА ЧИН ДИЛДАН
ТИЛАКДОШМИЗ.

DM
FIRMA
DEMIR

**ТАШКИЛОТ**

***Барча қувватдаги электродвигателларни таъмирламоқда, электродвигателларни алмаштириш фондига эга.***

**1. Электродлар** (Россияда ишлаб чиқарилган), эмаль сим, эритувчи, ацетон, ХП -1, ШБ - 5 кислотаси, пардозланган мармар, калцинация қилинган сода (қопда) кафель, телефон аппаратлари, канистрлар, (20 литр), челаклар (12 литр), турли флянцлар, П-0 ТУ 205 309-83 русумли монтаж белбоғлари, канализация чўян тирсаклари, ККП-I кабель аравачлари, электротенлар, ванналар, 4 комфорали газ плиталари, Ф 37, Ф 65 трослари, турли чинни идишлар.

**2. Электромоллар** — 100 ВТ, 150 ВТ, 300 ВТ, 500 ВТли лампочкалар.

**3. Саноат**-ёритгичлари, рубильниклар, ёритиш шитлари, пакет переключателлари, узайтиргичлар, патронлар, турли қувватдаги электродвигателлар.

**4. МЕТАЛЛ СОТИБ ОЛАМИЗ:** -швеллер, трубалар, листлар, провнастил, тунука шунингдек, ёғоч, эмаль сим, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ, РАФ, КамАЗ автошиналари, турли электр двигателлар, шимдириш лаки, изоляция лентаси, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ автоэҳтиёт қисмлари **ўз магазинларида сотиш учун** халқ истеъмоли моллари—мебель, электр моллари, маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотларини **харид этади ёки консигнацияга олади.**

6. Ҳақ тўлаш шакли турлича — тўлов учун вексель қабул қиламиз.

***Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри.***
***Тел: (37171) 5-33-37, 5-36-84, соат 18 дан кейин 2-14-64.***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Шингил» хусусий фирмаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ бош биноси, 2-қават.**

ФИРМАСИ
КАНОТ-С

Packard Bell компьютерлари

Packard Bell ўз ватанида рекламага бир цент ҳам сарфламайди. Америкаликлар Packard Bell номини болалик чоғиданоқ яхши билишади. Буваси уйга биринчи радиоприёмник олиб келганида — у Packard Bell бўлганди, отаси сотиб олган биринчи телевизор ҳам Packard Bell эди. Шу боис ҳам америкалик шу маркадаги компьютерни учратганида айнан уни сотиб олади. Компьютерлар баҳосига уларни ташвиқот этиш харажатлари қўшилмайди. Бу эса Packard Bellни жаҳонда нархлари жиҳатидан тенги йўқ етакчига айлантирди.

АҚШ шахсий компьютерлари чакана савдоси бозори (минг дона) 1994 йил декабрига бўлган маълумот (Манба: Audits & Surveys, Feb, 7, 1995)

Packard Bell муваффақияти кўп жиҳатдан Windows учун ўта юксак мослама (қобиқ) - PB Navigator 2.0. яратилиши билан боғлиқ. Бу график интерфейс бўлиб, унда барча иш интерактив тартибда графика, мультимедиа, видеоклиплар ва актерларнинг жонли овози билан уйғунликда ташкил этилган.

Тел: 41-30-51, 45-75-24.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.**
**1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.**

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

**Бунинг учун фақат кўнгирғингиз кифоя!**

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий ) кўчаси, 6-уй, 101-хона.
Телефонлар: (3712), 34-00-98, 34-05-07.

*Жараён*

# ҚАНАҚА КИТОБЛАР ЎҚИЯПСИЗ?

Замонлар ўзгармоқда. Тарихлар эврилмоқда. Табиийки, бундай даврда тасаввурлар, дунёқарашлар, эстетик дид, бадиий тафаккур, маданият ва маданиятлилик ҳақидаги тушунчалар ўзгариб, замонавийлашиб, замонга мослашиб боради. Хоҳлаймизми - йўқми бу жараён давом этаверади. Тараққиётда. Масалан, яқин-яқингача дедектив китоблар мумтоз адабиётнинг соясида қолиб келарди. Энди эса...

Китоб инсоннинг яшаш тарзига, ақли ва қалбига таъсир қилади. Китоб инсонни аста-секин ўзгартиради. Кимнинг қанақа китоб ўқиши унинг қизиқишлари, касби, ёши каби хусусиятларига боғлиқ. Жараёнлар чорраҳасидаги шу кун одами қанақа китобларни мутолаа қилмоқда?

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири**: — Маънили китоб бўлса, қайси мавзу, қайси соҳада ёзилган бўлмасин, мени қизиқтиради. Баъзан айрим китобларни такрор-такрор ўқийман. Улардан ижобий маънода нималарнидир оламан. Яқинда улуғ саркарда бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан у ҳақидаги янги шеърий драмага ниҳоя нуқтасини қўйдим. Албатта, бу асар узоқ йиллардан буён юрагимда ёзилмоқда эди. Келгуси йили ўтказиладиган буюк бобомизнинг катта тўй баҳонаси ва андак далда билан уни қоғозга туширишга имкон топа олдим. Шу шеърий драмани қоралаш жараёнида қатор тарихий китобларни кўздан кечирдим... Асарда тарих ҳақиқатидан ҳам, бадиий тўқимадан ҳам фойдаландим. Куни кеча қашқадарёлик тарихчи олим Поён Равшановнинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Қашқадарё тарихи» китоби мутолаасини тугатдим. Ушбу қизиқарли китоб Қашқадарёнинг ўттиз асрлик тарихини қамраб олади. Бу Ўзбекистон тарихининг жуда катта бўлагидир.

**Абдуғаффор ХОЛМАТОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Тошкент Давлат аграр дорилфунуни доценти:**

Шу кунларда «Ҳадис»ларни ўқияпман.

**Наргиза ОДИЛХОНОВА, врач:** — Янги китоб ўқиганим йўқ. Илгари ўқиган китобларимни такрорлаяпман. Яқинда Эрон адиби Мушфиқ Козимийнинг «Қўрқинчли Теҳрон» китобини қайта ўқидим.

**Сирожиддин РАУФ, шоир, журналист:** — ... билиб қолдим, детектив китоблар яхши экан. Дам олдиради. Давримиз, ишимиз шунақа, тез-тез дам олиб туришга тўғри келади. Саргузашт китоблар бор имкониятларинг билан яшашга иштиёқ пайдо қилади кишида. Сўнгги ойларда Эдгар Бэрроуснинг «Тарзан» туркумидаги китобларини, Пьер Рейнинг «Бомбич қиморхонаси», «Байрутдаги қотиллик», Эдуард Тополнинг бир неча асарларини ўқиб чиқдим. Қизиқарли китоблар экан.

**Равшан ШОНАЗАРОВ, трамвай ҳайдовчиси:** — Китоб ўқишга қизиқардим. Ҳозирги китоблар жуда қиммат, сотиб ололмайман. Газеталарни ўқиб тураман.

**Дилшода ХАЛИЛОВА, мактаб ўқувчиси:** — Детектив китобларни ўқийман. Уларни ўзим сотиб оламан, ота-онам пул беради. Қанақа китобларни ўқиш ҳақида ҳеч ким маслаҳат бермайди.

**Нилуфар САИДХЎЖАЕВА, талаба-таржимон:** — Инглиз тилига оид китобларни ўқийман.

**Дилдора НАБИЕВА, уй бекаси:** — Қизим иккинчи синфда ўқийди. Унга рус тилидаги рангли эртак китобларни сотиб олдим. У шунақа китобларга қизиқади.

**НОДИРА, талаба:** — Севги ҳақидаги китобларни ўқийман. Лекин кейинги икки-уч ойда бирорта ҳам янги китоб ўқимабман.

**Давлатбек АҲМЕДОВ, компьютер соҳасида мутахассис:** — Касбим тақозосига кўра, компьютер техникасига оид китобларни мунтазам равишда ўқиб-ўрганиб бораман. Ахир, замон талабларидан ортда қолиб бўлмайди.

**САДРИДДИН (фамилиясини айтишни истамади), бизнесмен:** — Тарихий-бадиий китобларни, ўзбек ёзувчиларининг асарларини яхши кўриб ўқийман. Ўйлаб кўрсам, кейинги пайтда асосан кундалик газета-журналларни ўқиш билан чекланаётган эканман. Вақтли матбуотни мунтазам кузатиб бораман.

**ШАВКАТ (фамилиясини айтмади) тижоратчи:** — Китоб ўқимаганман. Бошлаганману аммо бирортасини ҳам тугатмаганман. Китоб ўрнига ҳам телевизор кўраман (у кулади).

«Адабиётга ҳам тижорат кириб келди. Ҳамма ёқни дедектив китоблар босиб кетди. Уларнинг мазмуни ур-сур, от-ўлдир, зўр ёки пулдор бўлсанг яшайсан, аксинча бўлса... ўзингдан кўр...

Бундай китоблар бизга асосан четдан кириб келмоқда. Қолаверса, ўзимизникилар ҳам қараб туришгани йўқ. Уларнинг муқоваларини кўринг: қурол, ялангоч, совуқ қиёфали аёл ёки баджаҳл ярим ялангоч эркакларнинг суврати. Боз устига уларнинг нархи баландлигини айтмайсизми? Лекин, нима бўлганда ҳам шу китобларнинг бозори чаққон. Улар халқ орасида, айниқса ёшларимиз орасида жуда тез тарқалмоқда. Шундай китобларни ўқиб улғайган ёшлар эртага қанақа жамият қурадилар?» — деб ўйлаганлар эҳтимол янглишар. Ахир, халқимизнинг ўзи, «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ», деб жуда содда ва оддий қилиб айтиб қўйибди-ку. Қолаверса, дедектив китоблардан у қадар чўчимасак ҳам бўлади. Саволжавоблардан кўриниб турибдики, биз ўзбеклар саргузашт китобларга ҳали у қадар ўч эмас эканмиз.

Кейинги йилларда диний мавзудаги адабиётларга қизиқиш кучайди. Бу одамларимизнинг иймон-эътиқод, увол-савобни таниш каби эзгу фазилатлар сари қайтаётганликларидан далолат беради.

Юқоридаги жавоблардан аёнки, дедектив адабиёт (уни қораламоқчи эмасмиз) кишиларимиз онгини, туйғуларини ўзгартирмоқда, деб хавотирланиш ёки аксинча қувониш ўринли эмас. Кишиларимиз нафақат дедектив, балки бошқа китобларни ҳам жуда катта чанқоқлик билан ўқимаётганликлари кўриниб турибди. Ҳар ҳолда, турли китобларнинг кўпайгани маъқул. Ҳар ким ўзига ёққанини танлаб ўқиш имкониятига эга бўлади.

**Салим АШУР.**

*Юртимизнинг сўлим қишлоқлари.*

*Эҳтиром*

# МАЪРИФАТ ШАЙДОСИ

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракатининг изчил тадқиқотларидан бири, теранфикр олим, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Фозилович Воҳидов етмиш баҳорни қаршиламоқда. Ҳ. Воҳидов ўзлигига ҳамоҳанг ижод билим даргоҳи— Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида бир умрга қолди. Институт жамоаси — устоз ва шогирдлар домлани ўз кишиси, ҳамфикридек қабул қилди, ардоқлади. У анча йиллардан буён институт ректорининг илмий ишлар буйича муовини.

Ҳ. Воҳидов 1925 йили Андижоннинг Қўрғонтепасида тавалуд топиб, Фарғона вилоятининг Риштон туманида ўрта маълумот олди. Иккинчи жаҳон урушининг қизғин палласи — 1943 йили армия сафига чақирилди. Украина, Польша ва Чехословакияни озод қилиш жангларида оғир ярадор бўлиб, Ғалабадан сўнг қатор орден-медаллар билан Ўзбекистонга қайтади ва 1946 йили Тошкент давлат юридик институтига ўқишга киради. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, Ҳ. Воҳидов юридик институтнинг ўқитувчиси, кейинроқ Тошкент давлат университети фалсафа кафедрасининг доценти лавозимларида ишлайди. Ниҳоят 1961 йили Тошкент давлат санъат институти фалсафа кафедраси мудирлигига таклиф этилади. Ўша йилдан бошлаб то шу кунларгача Ҳ. Воҳидов ўз фаолиятини мазкур институтда давом эттирди. Унинг илмий фаолияти Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг аввалида маърифатчилик ҳаракати ижтимоий-эстетик моҳиятини илмий тадқиқ этиш билан узвий боғлиқ бўлиб, мазкур мавзу муаллифнинг умрлик йўлдошига айланди.

Зикр этилган мавзу олимнинг «Ўзбек маърифатпарварининг социологик қарашлари», «Туркистонда маърифатпарварлик идеологияси», «Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати» сингари тадқиқотларида ўз акси ва сайқалини топди. Айтилганлардан ташқари, «Фурқат ва Муқимийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари», «Ўрта Осиё маърифатпарварлик идеологиясининг методологик муаммолари», «Ўрта Осиё ижтимоий сиёсий тафаккурида социал-утопик ғоялар» сингари илмий ишлар ҳам Ҳ. Воҳидов қаламига мансубдир. Булардан мустасно Ҳ. Воҳидов қатор дарсликлар— «Сиёсий таълимот тарихи», «Фалсафа асослари», «Сиёсатшунослик», «Ўзбекистон фалсафий ва ижтимоий сиёсий қарашлар тарихи» ўзбек тилида илк бор яратилган эстетика қўлланмасининг муаллифларидан биридир. Унинг раҳбарлигида ўнта фан номзоди ва тўртта фан докторлари тайёрланган.

Зукко олим, моҳир мураббий, бебаҳо инсон Ҳ. Воҳидов ҳаётий ва илмий тажрибаси тўлишган фаслда шижоат билан меҳнат қилмоқда. Унинг барча изланишларида илҳом ва барака, ҳаётида беадад ёруғ, мунаввар кунларни тилаб қоламиз.

**Тошпўлат ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

# ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

Тухумни чақиб, у билан бир парча юнгни ҳўллаб оловда куйган жойнинг устига қўйилса, қабарчиқларга фойда қилади ва куйган жойни совутади, уни ачиштирмасдан қуритади.

***

Қайноқ сувдан куйишда қабарчиқлар чиқса, унинг устига тузланган зайтун суви қўйилса фойдали бўлади.

***

Оёқ кийими «уриши»дан вужудга келган шилинишни даволашда унинг устига янги пиёзни туйиб ва товуқ ёғи билан қоришириб суртилса фойда беради.

***

Агар икки ёшли қўй гўшти, қўзи гўшти, улоқ гўшти ёки яхши қуш гўшти қайнатилса уларнинг суви юрак заифлигида наф беради.

***

Қишда қўл ва оёқларда юз берган қичишни туз ва лавлаги қайнатилган сув ёки ясмиқ қайнатмасини илиқ ҳолда ювилса фойда беради.

***

Назла ўти тиш илдизи учун фойдалидир. Тиш оғриганда бодринг илдизини тишнинг остида тутиб турилса оғриқ босилади. Тишнинг чиримаслиги учун шафтоли баргини қуритиб янчиш ва уни оғизда тутиб туриш хосиятлидир.

*Бошқотирма*

# ҚОМУСНОМА

**Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг. Жавоблар асосида шакл ўртасидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани топинг. Ундан юртбошимизнинг «Бахтимиз қомуси» ҳақидаги таърифлари аён бўлади.**

ОЧҚИЧ: 1. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи — 10, 23, 9, 11. 19, 17, 24, 23, 9, 18.

2. Республика парламенти аъзоси — 4, 14, 13, 21, 8, 17, 8.

3. Ижро ва бошқарув органи — 20, 10, 25, 9, 19, 9, 26, 8.

4. Конституциямиздан: «Ҳамма учун 3, 9, 24, 4, 10, 7. эркинлиги кафолатланади».

5. Абдулла Ориповнинг «Ўзбек қомуси» шеъридан: Эмакдошим, ай, қардошим қулоқ тут менга,
Ушбу қўҳна қаҳкашонда мағрур тутгин бош.
Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,
Сеникидир энди бу ер, сеники 6, 21, 16, 2.

6. Мамлакатимиз вилоятларидан бирининг маркази — 21, 1, 15, 17, 7, 5.

**Энди қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгиланган катаклардаги рақам атрофига соат мили йўналишида ёзинг:**

1. Барча фуқаролар Конституцияда бажаришлари белгилаб қўйилган вазифа. 2. Бош қонунимизда фуқаролар учун белгиланган, уларни муҳофаза қилишга қаратилган ва ўзаро муносабатларни тартибга солиш ифодаси. 3. Конституциямизнинг 1-моддасидан: «Ўзбекистон... демократик республика». 4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таркиб топишида муҳим ҳисса қўшган ҳуқуқшунос олимлардан бири. 5. Давлат номидан иш кўриш учун бериладиган ҳуқуқ. 6. Республика Олий Мажлисига вакил тайинлаш маросими. 7. Республика Президенти томонидан чиқариладиган ва қонун кучига эга бўлган ҳужжат. 8. Республика рамзларидан бири. 9. Айрим фуқароларга белгиланган енгиллик. 10. Маъмурий - ҳудудий бўлинма. 11. Қайта тикланиб, таркиб топаётган анъаналар мажмуи. 12. Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири. 13. Турли соҳада амалга оширилаётган ўзгариш. 14. Давлат ҳокимиятининг тузилиш таркиби. 15. Конституциямиздан: «... жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». 16. Республика Президенти томонидан тайинланувчи ва бирор соҳани бошқарувчи ҳукумат аъзоси. 17. Конституциямиздан: «... мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади». 18. Пойтахт шаҳар. 19. Ҳақ-ҳуқуқда баравварлик. 20. Конституциямиздан: «... ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». 21. Давлат рамзи. 22. Билим маскани. 23. Ижтимоий ёрдам тури. 24. Мамлакатнинг доимий аҳолиси. 25. Ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётган ҳудудий бўлинма. 26. Масъулиятни ўз устига олган ҳолда ишонтириш. 27. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг қўриқланиши. 28. Асос бўлиб хизмат қиладиган ҳомий.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

*Ие, йўғ-е, наҳотки?!*

## БОЙЛИКНИНГ САНОҒИ БЎЛМАСА...

Дунёдаги энг бой одам — Брунея султони бўлиб, у Янги Зеландиянинг Окланд шаҳрида ўтадиган Ҳамкорлик давлатлари раҳбарларининг учрашувларида қатнашиш учун 15 миллион АҚШ доллари сарфлаб, ўзига қароргоҳ бино қурдирябти. Шу мақсадда у шаҳар атрофида бутун бошли мавзени сотиб олди. Ҳозир бу ерда қурилиш, биноларни таъмирлаш ишлари авжида.

## ҲАМЁНГА СИҒМАЙДИГАН «ПУЛ»

Янги Гвинея оролида яшовчи папуас қабилаларида денгиз чиғаноқлари ва чўчқа пул вазифасини ўтайди. Улар чиғаноқ ва чўчқа эвазига хоҳлаган нарсаларини сотиб олишлари мумкин. Ҳарбий низолар пайтида эса мағлуб томон товон пули сифатида ғолибларнинг сафидаги ҳар бир ярадор учун бир садаф чиғаноқ, нобуд бўлган жангчи учун эса битта чўчқа бериши шарт.

# КУЛГУДАН ОЛАМ ЯШАРГАЙ...

Шифохона йўлагида бир қиз оқ халатли аёлдан сўраяпти:

— Мен капитан Вальямсни кўрмоқчийдим.

—Кечирасиз, ўзингиз унга ким бўласиз?

— Синглисиман.

—У ҳолда танишганимдан хурсандман.

Мен унинг онаси бўламан.

x x x

Кечки соат учда телефон жиринглайди. Ўйқу аралаш овоз:

— Эшитаман...

— Бу 272-26-19 ми?

— Сиз жинни бўлибсиз! Менда умуман телефон йўқ!

x x x

— Қизингизни пианинога ўқитиш қимматга тушмаяптими?

— Аксинча. Бу дарслар менга қўшни хонадонни ярим баҳосида олишимга ёрдам берди.

x x x

Электромонтёр — ўқувчига:

— Анави симни қўлингга ол.

— Олдим, энди-чи?

— Ҳеч нарса сезмаяпсанми?

— Йўқ.

— Яхши. Демак, кучланиш иккинчи симда экан.

x x x

— Сиз химияни ўрганяпсизми?

— Йўқ, бу хотинимнинг пардоз столи.

**Ҳ. ЭРМАТОВ ўзбекчалаштирди.**

*Футбол*

# ҲАММА ЎЙИНГОҲГА ОШИҚАР

**• ЭРТА-ИНДИН БМТ нинг 50 йиллигига бағишланган футбол марафони ўтказилади.**

Жаҳоннинг 191 мамлакатида ўйингоҳлар мухлислар билан гавжумлашади. Футболсеварлар байрами эртага соат 15.00 да бошланиб, 10 декабрь куни худди шу соатда ниҳоясига етади. 24 соат мобайнида 10 мамлакатда уюштирилган учрашувларни ойнаи жаҳон орқали дунёга ёйиш кўзда тутилмоқда. Чунончи, мухлислар аввал Норвегия футболчилари ўйинларини томоша қилишади. Кейин Марокаш, Бразилия, Тринидад-Тобаго, АҚШ, Фижи, Хитой, Ўзбекистон ва Жанубий Африка мамлакатларидаги учрашувларни кўздан кечирадилар. Серзавқ томоша келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими билан якунланади.

КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ- БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаётган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар:
**"Дори-дармон"** Тошкент, М. Мирзапўлатов кўчаси, 1-А,Тел. 48-27-74, 42-33-81
**"Ўзбекистон-Иверсон ЛТД"** Тошкент, Фурқат кўчаси, 1.Тел 45-12-49.
**"Фармед"**, 700132, Тошкент, Ибрат кўчаси, 1. Тел.: 47-98-90, 47-98-94.
**"Жўрабек"** Тошкент, Олмазор даҳаси , 165 Тел.45-60-40,45-41-46.

**"Қизил олма" дастури бўйича маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳақидаги бундан кейинги ахборотларни олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича кўнгирок қилинг:"Шеринг"**, Тошкент С. Азимов кўчаси, 65.Тел.: 36-34-24, 33-37-30,
**"Апджон"** Тел.: 35-45-18.
**"Эджзаджибаши"** Тел. 78-56-51.
**"Органон"** Тел. 46-74-05.
Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юқорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Қизил олма" дастури офисига:
**78-41-43 телефони бўйича** қўнгироқ қилинг.


# «ЁШЛИК» — 1996 ЙИЛДА

Азиз «Ёшлик» журналининг доимий мухлиси!

Гарчанд кутдириб бўлса-да, журналнинг барча сонларини бу йил қўлингизга етказяпмиз.

Келгуси йил учун эса ҳозирдан, замин ҳозирлаб қўйганимизни Сизга баралла айтсак бўлади. Иложини топсак журнал ҳажмини тағин-да кенгайтириш умидимиз бор. Шунингдек, келаси йили Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи, Одил Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар» драмаси, Абдулла Ориповнинг «Амир Темур қиссаси» драматик достони, «Даҳойиқ-ул ахбор»нинг давомини, Муҳаммад Юсуф, Эркин Воҳидов, Раҳмат Парфи ва бошқа шоирларнинг туркум шеърлари, янги қисса ва ҳикояларини Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Ваъдамиз шу! Ҳеч иккиланмасдан обуна бўлаверишингиз мумкин. Обуна нархи эса унча қиммат эмас:

**Бир йилга — 228 сўм,**
**олти ойга — 114 сўм**
**Нашр индекси 75241**
**«ЁШЛИК» журнали таҳририяти.**

*(Газетамизнинг навбатдаги сони 12 декабрь, сешанба куни чиқади).*

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Сирдарё вилоят партия кенгаши котиби С. Давлатовага акаси **Холиқ ДАВЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори Миразиз Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **Кароматхон АҲМЕДОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).**

**БЎЛИМЛАР:**

**Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.**
**Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.**
**Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.**
**Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.**
**Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.**
**Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.**
**Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.**
**Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.**

*ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:*

*Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.*

*• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0546.*

**Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.**



**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.** *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* 1 2 3 4 5 6.